

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲУКМ

2023 йил июль ойининг 7 куни, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, Қарши шаҳар “Кунчиқар” МФЙ биносидида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Ш.Нурматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Зокировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қарши шаҳар прокурори ёрдамчиси Ж.Фармонов, судланувчилар Ҳ.Чаганов ва С.Инатиллоев, жабрланувчи Р.Турсунов, фуқаровий даъвогар И.Дониев, қонуний вакил Н.Тоштемирова, ҳимоячи адвокат М.Мардоновнинг иштирокида, Чаганов Ҳайитбой Анвар ўғли ва Инатиллоев Сардор Тилов ўғлига оид 1-1801-2303/308-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Инатиллоев Сардор Тилов ўғли, 20.08.2002 йил Қарши шаҳрида туғилган, миллати лўли, ўзбек тилида равон сўзлаша олади, таржимон хизматига муҳтож эмас, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, партиясиз, депутат бўлиб сайланмаган, Қарши шаҳар “Отчопар” МФЙ, Беҳбудий кўчаси 7-уйда яшайди, 12.04.2023 йил муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини, 2023 йил 22 май куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 127-моддаси 3-қисми ва 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган.

Вояга етмаган Чаганов Ҳайитбой Анвар ўғли, 05.02.2006 йил Қарши шаҳрида туғилган, миллати лўли, ўзбек тилида равон сўзлаша олади, таржимон хизматига муҳтож эмас, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Қарши шаҳар “Отчопар” МФЙ Беҳбудий кўчаси 1-уйда яшайди, 12.04.2023 йил муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини, 2023 йил 22 май куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган;

Суд, судланувчилар, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Инатиллоев Сардор Тилов ўғли, қисми ажратилган Инатиллоев Аминбой Жамшид ўғли ва вояга етмаган Чаганов Ҳайитбой Анвар ўғли бир гуруҳ бўлишиб, олдиндан тил бириктириб, 2023 йил 17 март куни тонги соат 04:00 ларда Қарши шаҳар “Кунчиқар” маҳалласи ҳудудига боришиб шу маҳалланинг Ҳусниобод кўчасида жойлашган “Шохжахон” озиқ-овқат дўкони олдидаги дарахт тагида турган фуқаро Турсунов Равшан Ходиевичга тегишли бозор нархи, 1. 500 000 сўмлик косиблар аравасини арава ичида бўлган бозор нархи, 30 000 сўмлик 1 дона



болға, 25 000 сўмлик 1 дона мих суғургич, 25 000 сўмлик 1 дона омбур, 20 000 сўмлик резина кесиш учун мўлжалланган 1 дона махсус пичоқ, ҳар бирининг нархи 15 000 сўмдан 2 дона этикдўзлар чўткаси, ҳар бирининг бозор нархи, 3 000 сўмлик 2 дона оқ ва малла поябзал кремлар, ҳар бирининг нархи 4 000 сўмлик оқ, малла ва қора уч дона этикдўзлар ип-ғалтаги, 40 000 сўмлик 1 дона эгов, 20 000 сўмлик 1 дона қайчи, 60 000 сўмлик 1 жуфт қишки эркаклар этиги, ҳар бири жуфтининг нархи 2 000 сўмдан бўлган 10 жуфт поябзал патаги, 50 000 сўмлик 1 жуфт эркаклар кроссовкаси, ҳар бир жуфти 15 000 сўмдан бўлган 4 жуфт болалар кроссовкаси, жами ўзганинг, 1 898 000 сўмлик мулкларини яширин равишда талон-тарож қилишган.

Судланувчи Ҳ.Чаганов ва С.Инатиллоевлар ўзларининг юқоридаги жиноий ҳаракатлари билан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” бандида кўрсатилган жиноятни содир қилганлар.

Судланувчи С.Инатиллоев судда, айбига иқрорлик, пушаймонлик билдириб, Ҳ.Чаганов ва А.Инатиллоевлар билан, 2023 йил 17 март куни тонги соат 04:00 ларда Қарши шаҳар “Кунчиқар” маҳалласи ҳудудидан баклашка териб юришиб Ҳусниобод кўчасида жойлашган озиқ-овқат дўкони олдидан ўтишаётган вақтида, дарахт тагида турган аравачани кўриб олиб кетишганларини, сотиб, пулини бўлиб олишганларини, Ҳ.Чагановни вояга етмаганлигини билмаганлигини, уни жиноят қилишга ундамаганлигини, аравачани олиб кетишни Ҳ.Чаганов айтганлигини, айбига иқрор ва қилмишидан афсусдалигини, пушаймонлигини, жабрланувчидан кечирим сўрашлигини, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, терговда берган кўрсатмаларини қисман тасдиқлашини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ҳ.Чаганов судда, айбига иқрорлик, пушаймонлик билдириб, 2023 йил 17 март куни тонги соат 04:00 ларда, Сардор ва Аминбой Инатиллоевлар билан бирга бакалашга териб юришиб, Қарши шаҳар “Кунчиқар” маҳалласи Ҳусниобод кўчасида жойлашган озиқ-овқат дўкони олдида дарахт тагида аравача турганлигини кўриб, олиб кетишни айтиб, олиб кетиб, сотиб пулини тақсимлаб олганларини, Аминбой ва Сардор Инатиллоевлар билан бир маҳаллада яшаб доимий равишда бирга бакалашга териб юришларини, улардан ёши кичиклигини улар ҳам ўзи ҳам билмаганлигини, айбига иқрор ва қилмишидан афсусдалигини, пушаймонлигини, жабрланувчидан кечирим сўрашлигини, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, терговда берган кўрсатмаларини қисман тасдиқлашини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Р.Турсунов судда, 2023 йил 17 март куни тонг саҳар яшаш уйининг олдида аравачада бўлган асбоб-ускуналарини ўғирлаш олиб кетишганлигини билиб, ИИБга мурожаат қилганлигини, тергов давомида мулкларини, Ҳ.Чаганов, А.Инатиллоев ва С.Инатиллоевлар ўғирлаб олиб кетишганлигини билганлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчиларга нисбатан давоси йўқлигини билдириб, уларга қонуний енгиллик беришни сўради.



Фуқаровий даъвогар, И.Дониев судда, 2023 йил 17 март куни эрталаб соат тахминан 07:00 ларда Ҳ.Чаганов, А.Инатиллоев ва С.Инатиллоевлар ўзларига тегишли темир металлдан ясалган, кўк рангли аравани, 120.000 сўмга сотиб кетишганларини, орадан 3 кун ўтгандан сўнг, ИИБ ходимлари келишиб, арава ўғирланганлигини айтишиб, холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олиб кетишганларини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчиларга нисбатан давоси йўқлигини билдириб, уларга қонуний енгиллик беришни сўради.

Юқоридагилардан ташқари судланувчилар, Ҳ.Чаганов ва С.Инатиллоевнинг айби жабрланувчи Р.Турсуновнинг аризасига кўра жиноят ишини қўзғатиш ва иш юритувга олиш тўғрисидаги қарор, ўғирлик содир қилинган, Қарши шаҳар “Кунчиқар” маҳалласи Хусниобод кўчасида жойлашган “Шохжахон” озиқ-овқат дўкони олдини кўздан кечириш баённомаси, фотосуратлар, судланувчилар ва жабрланувчининг терговда ва судда берган кўрсатмалари, 1 дона дискни ашёвий далил деб топиш тўғрисидаги қарор ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тасдиқланади.

Тергов органи судланувчилар Ҳ.Чаганов ва С.Инатиллоевнинг ушбу ҳукмда кўрсатилган жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилиб, Бироқ, иш ҳолатини ҳар томонлама холисона чуқур ўрганмасдан, ЖПК 22,23-моддаси талабларига зид равишда, С.Инатиллоевни ЖК 127-моддаси 3-қисми билан ҳам айблаб хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида:

Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошқора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланиши.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, суд жиноят юз берганлиги, унинг содир этилишида ким айбдорлиги, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

-23-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги;

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 4-бандида,



иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги;

-5-бандида, ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли қарорининг 7-бандининг 2-хатбошисида, агар катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилса-ю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жинойий жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Судланувчи С.Инатиллоев судда, Ҳ.Чагановни вояга етмаганлигини билмаганлигини, уни жиноятга жалб қилмаганлигини, аравагани олиб кетишни Ҳ.Чаганов айтганлигини кўрсатиб ўтди.

Ҳ.Чаганов ҳам Сардор ва Аминбой Инатиллоевларга аравагани эгаси йўқлиги сабабли олиб кетишни айтганлигини, улардан ёши кичиклигини улар ҳам хато ўзи ҳам билмаганлигини, улар билан бир маҳаллада яшаб доимий равишда бирга бакилашга териб юришларини кўрсатиб ўтди.

Бундан кўринадики, С.Инатиллоев Ҳ.Чагановнинг вояга етмаганлигини билмаган, билиши ҳам мумкин бўлмаган, Чунки Ҳ.Чагановни кўриниши жиҳатдан ҳам вояга етмаганлигини аниқлашнинг имконияти йўқ.

Бундай ҳолда тахминлар асосида, С.Инатиллоевни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 127-моддаси 3-қисми билан айблаб бўлмайди.

ЖПК 83-моддаси 2-қисмида қилмишида жиноят таркиб бўлмаса айбсиз деб топилиши ва реабилитация этилиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра ва иш ҳолатига асосан суд, С.Инатиллоевнинг қилмишида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 127-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли уни, шу модда билан оқлашни асосли бўлади деган хулосага келди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги” кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги”, ушбу Қарорнинг 3-бандида эса “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи С.Инатиллоевга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда юқоридаги кўрсатилган Пленум қароридаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, иш бўйича ЖК 56-моддасида кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, айбига иқрор ва пушаймонлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарни тўлиқ қопланганлигини, муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан афсусдалигини, ёшлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик принципларига амал қилган ҳолда уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ҳам қайта тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, ЖК 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлашни, жазони Қарши шаҳар ИИО ФМБ томонидан белгилаб бериладиган жойларда ўтатиришни, жазо муддатини, С.Инатиллоев мажбурий жамоат ишларига жалб қилинган вақтдан бошлаб ҳисоблашни, С.Инатиллоевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни,

Судланувчи Ҳ.Чагановга нисбатан жазо белгилашда юқорида кўрсатилган Пленум қарорларидаги раҳбарий тушунтиришлардан келиб чиқиб, иш бўйича ЖК 56-моддаси кўрсатилган оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини, айбига иқрор ва пушаймонлигини, афсусдалигини, вояга етмаганлигини, оилавий шароитини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, муқаддам судланмаганлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, қонунийлик, инсонпарварлик одиллик принципларига амал қилган ҳолда унга жазо тайинламасдан туриб ҳам уни тузатиш мумкин деган хулосага келиб, ЖКнинг 87-моддаси 2-қисмида беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд



бўлса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шартлиги белгиланганлиги сабабли, Ҳ.Чагановга ЖКнинг 88-моддаси 1-қисми “а” банди билан суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаган холда жазодан озод қилишни, ҳукм қонуний кучга киргач Ҳ.Чагановга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чорасини бекор қилишни,

Шунингдек ашёвий далил 1 дона ДВД дискни жиноят иши билан бирга сақлашни, жабрланувчи Р.Турсунов ва фуқаровий даъвогар И.Дониевга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини қайт этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Инатиллоев Сардор Тилов ўғлининг қилмишида, ЖК 127-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли у, ЖК 127-моддаси 3-қисми билан оқлансин.

Судланувчи Инатиллоев Сардор Тилов ўғли, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Инатиллоев Сардор Тилов ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 220 соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинлансин, жазо Қарши шаҳар ИИО ФМБ томонидан белгилаб бериладиган жойларда ўтатирилсин, жазо муддати, С.Инатиллоев мажбурий жамоат ишларига жалб қилинган вақтдан бошлаб ҳисоблансин, С.Инатиллоевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи вояга етмаган Чаганов Ҳайитбой Анвар ўғли, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва ЖКнинг 87-моддаси 2-қисмига асосан жазодан озод қилинсин, ЖКнинг 88-моддаси 1-қисми “а” бандига асосан унга жабрланувчидан узр сўраш мажбурияти юклансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач Ҳ.Чагановга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчи Р.Турсунов ва фуқаровий даъвогар И.Дониевга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини қайт этилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчилар, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, Қашқадарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибда шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
Нусхаси аслига тўғри

Ш.Нурматов

